



2019 yil "02" Апрель № 120

Farg'ona shahri

**Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар,  
ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати  
миқдорларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда.) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш заҳираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 614-модда.) қарорига мувофиқ ҳамда вилоят Молия бош бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармасининг бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш бўйича вилоят ҳокимлигига киритган қўшма таклифини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ вилоят ҳокимлигига ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси юклатилганлиги инобатга олинсин.

2. Вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш бўйича Молия бош бошқармасининг 2019 йил 15 февралдаги УМ/10-06/365-сонли ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 19 февралдаги 24-01899-сонли қўшма таклифи маъқуллансин.

3. Мазкур қарор билан:

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар қийматининг миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинadиган ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Фарғона вилояти Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси (Э.Ибрагимов) вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча ҳудудларга жойлаштирилишини таъминласин.

5. Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси (Ю.Насимджанов), Молия Бош бошқармаси (У.Мирзаев) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсинлар;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларни белгиланган тартибда аниқласинлар ҳамда уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйишни таъминласинлар;

ҳар ой якуни билан бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ҳисобидан маҳаллий бюджетга тушадиган маблағларни ҳисобини юритсинлар, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсинлар.

6. Вилоят ҳокимлиги “Компьютерлаштириш маркази” ДУК мазкур қарорга асосан вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. “Фарғона ҳақиқати” (Тешабоев) ва “Ферганская правда” (Саидганиева) газеталари Бош муҳаррирларига мазкур қарорни матбуотда расман эълон қилиш, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш тавсия этилсин.

8. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

9. Мазкур қарор қабул қилинганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокимининг 2018 йил 27 мартдаги “Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш ҳақида”ги 148-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Тошпўлатов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Ш. Ғаниев

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб  
олинадиган бир марталик йиғимлар қийматининг  
микдорлари

(сўм ҳисобида)

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов микдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
<b>1. Бир марталик йиғим.</b>				
1	Юк автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун	Ҳар бир машинага	13000	11000
2	Енгил автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун	Ҳар бир машинага	10000	8000
3	Аравачаларда сотганлиги учун	Ҳар бир аравачадан	3 000	2 500
4	Маҳсулотларни ерда сотиш	6 кв метргача	5 000	3 000
5	Супурги, исирик сотувчилардан	1м2	5 000	4 000
6	Гуруч, гречка сотувчилардан	1м2	6 000	6 000
7	Дон маҳсулоти мош, ловия, жувари сотувчилардан	1м2	6 000	5 000
8	Дон маҳсулоти макка, буғдой, арпа сотувчилардан	1м2	5 500	4 500
9	Хўл мевалар узум, олма, анор, нок, хурмо ва бошқа турдаги мева сотувчилардан:			
	декабрь-май ойларида	1м2	10 000	8 500
	июнь-сентябрь ойларида	1м2	5 000	4 000
	октябрь-ноябрь ойларида	1м2	8 000	7 000
10	Бошқа мева сотувчилардан	1м2	5 000	4 000
11	Цитрус ва тропик мева (банан, апельсин, мандарин, лимон, ананас, киви каби) сотувчилардан	1м2	13 500	11 000
12	Малина, қулупнай, гилос сотувчилар	1м2	6 000	5 000
13	Бодринг, помидорни иссиқ хоналарда етиштирилган маҳсулот сотувчилардан	1м2	9 000	8 500
14	Бодринг, помидорни сотувчилардан	1м2	5 000	4 000
15	Сабзавот, сабзи, пиёз сотувчилардан	1м2	4 000	3 500
16	Сабзавот, турп, шолғом сотувчилар	1м2	3 500	3 000
17	Карам сотувчилардан	1м2	3 500	3 000
18	Картошка сотувчилар	1м2	5 000	4 500
19	Гул сотувчилардан	6 кв метргача	8 000	7 000
20	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан	6 м2 гача	9 000	7 000
21	Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан	6 м2 дан ортиқ	13 000	10 000
22	Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари, салқин ичимликлар	1м2	7 000	5 000
23	Тухум сотувчилардан	1м2	4 500	4 000
24	Сут ва қатиқ сотувчилардан	1м2	4 000	3 500
25	Қаймоқ, сметана уй пишлоғи сузма сотувчилардан	1м2	6 000	5 000
26	Зировор ва дориворлар (мурч, нос, уруғлар) сотувчилардан	1м2	6 000	5 000
27	Асал сотувчилардан	1м2	8 500	6 000
28	Қуруқ мева сотувчилардан;		10 000	8 000
29	Тузлама ва салат сотувчилар учун	1м2	7 500	6 500
30	Мавсумий нишолда сотувчилардан	бир савдо ўрнига	6 000	6 000

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
31	Дудланган колбаса ва чўчка ёғи (бекон. шпик) сотувчилардан	1,5м2	12 500	10 000
32	Тирик балиқ ва балиқ маҳсулоти сотувчилардан	1м2	12 000	9 000
33	Аквариум балиқлари сотувчилардан	битта ўринга	5 500	3 500
34	Кўкат сотувчилардан	1м2	3 500	3 000
35	Иссиқхоналарда етиштирилган кўкат сотувчилардан	1м2	4 500	3 500
36	Кўчат (бодринг, помидор, болгар қалампери, райхон, карам, гул) сотувчилардан	1м2	4 500	4 000
37	Мевали дарахт ва терак кўчатлари сотувчилардан	1м2	6 000	4 500
38	Оби нон сотувчилардан	1м2	4 000	3 000
39	Ёғли патир нон сотувчилардан	1м2	6 000	5 000
40	Уй шароитида тайёрланган (торт, булочка, пирог, ва бошқалар	1м2	5 000	4 500
41	Гўшт сотувчилардан мулкчилик шаклидан қатъий назар	1 савдо ўрнига	16 000	15 000
42	Пакет сотувчилардан	1м2	6 000	5 000
43	От, той, туя	Ҳар бир бошига	15 000	14 500
	бўталок, эшак	Ҳар бир бошига	9 000	9 000
	йирик шохли қорамол (шу жумладан сигир бузоғи билан)	Ҳар бир бошига	15000	14500
	бузок	Ҳар бир бошига	10000	10000
44	Майда шохли хайвонлар (қўй, эчки)	Ҳар бир бошига	7500	7500
	уларнинг болалари (қўзичоқ ва улоқча)	Ҳар бир бошига	5000	5000
45	Товуқ ва қурка сотувчилардан	Ҳар бир бошига	1500	1500
	Жўжа, кабутар сотувчилардан	Ҳар ўн дона бошга	1000	1000
46	Ғоз, ўрдак, қуён, сотувчилардан	Ҳар бир бошига	1500	1500
47	Декоратив қуш сотувчилардан	1м2	5500	3000
48	Декоратив қуш ва балиқларнинг емиш овқатлари сотувчилардан	1м2	5500	3000
49	Ит сотувчилардан	биттаси	5000	3500
	Кучук сотувчилардан	биттаси	5000	3500
50	Қуруқ хашақлар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битта прицеп учун	25000	18000
	Қуруқ хашақлар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан	битта арава учун	10000	8000
51	Тижорат йўли билан келтирилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун	1 м2	6000	5000
52	Тайёр кийимлар,газламалар,ўрин тўшак жиҳозлари	1м2	5000	4000
53	Атторлик (галантерия) маҳсулоти сотувчилардан	1м2	5000	4000
54	Палас, гилам, шолча сотувчилардан	6м2	8500	8000
55	Эски кийим ва уй-рўзғор сотувчилардан	2м2	4000	3000
56	Эски уй-рўзғор техника буюмлари сотувчилардан	биттаси учун	5000	5000
57	Мебель жиҳозлари (ҳар 6 кв.метр)	бир савдо ўрин	9500	6000
58	Хунармандчилик ва ҳалқ истеъмол моллари сотувчилардан, жумладан майда хунармандчилик маҳсулотлари (ўроқ,теша,болта, болта, кетмон,пичоқ ва бошқалар) учун.	6 кв.метргача	5500	5000
59	Йиғчилик маҳсулоотлари (жува, чекич,элак ва бошқалар)учун	2м2	5000	3500
60	Миллий кийим тикиб сотувчилардан	1м2	3000	3000
61	Дўппи сотувчилардан	1м2	3500	3000

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
62	Косиблик ва кунчилик маҳсулоти сотувчилардан	1 ўринга	4500	3500
63	Кўлда сотиб юрганлардан	Ҳар бир сотувчидан	3000	2500
64	Арқон сотувчилардан	Ҳар бир сотувчидан	3500	3000
65	Эшик, ром сотувчилардан	10м2	6000	6000
66	Эски эшик, ром сотувчилардан	10м2	4500	4000
67	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	20м2	9000	8500
68	Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан	30м2	13000	11500
69	Маҳаллий терак сотувчилардан	30м2	9000	8500
70	Дарвоза сотувчилардан	10м2	15000	15000
71	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м2	6000	6000
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м2	8000	8000
	Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м2	15000	15000
72	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	5м2	4000	3500
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	15м2	6000	6000
	Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан	30м2	11000	11000
73	Янги бўёқ, миҳ ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	5 кв.м.гача	4500	4000
	Янги бўёқ, миҳ ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	15 кв.м.гача	6000	5500
	Янги бўёқ, миҳ ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан	30 кв.м.гача	12000	12000
74	Фанера ДСП, ДВП сотувчилардан	6м2	9500	9500
75	Рухланган тунука, шифер сотувчилардан	4м2	8000	8000
76	Охак, цемент, бўр, крошка, битум, рубероид сотувчилардан	4м2	4500	4000
77	Пишган янги ғишт сотувчилардан	6м2	10500	10500
78	Пишган эски ғишт сотувчилардан	6м2	9000	9000
79	Хом ғишт сотувчилардан	бир юк машинасига	10000	8000
80	Шағал, қум, тош сотувчилардан	бир юк машинасига	11000	9000
81	GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	25000	25000
82	МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чиқарилган автомашиналар сотганлар учун	бир донаси	21000	21000
83	Юк кутарувчи автомашиналарини сотганлар учун	бир донаси	26000	26000
84	Бошқа транспорт (мотоцикл, аравали мотоцикл, мотороллер) воситалар сотганлар учун	бир донаси	6000	6000
85	Велосипед, моторли велосипед, мопедлар сотганлар учун	бир донаси	5000	4500
86	Эҳтиёт қисмлар сотганлар учун		0	0
	автомобил эҳтиёт қисмлар сотганлар учун	2м2	6500	6500
	Янги автошина сотганлар учун	2м2	10500	9000
	Эски автошина сотганлар учун	2м2	7000	6000
	Бошқа эҳтиёт қисмлари сотувчилар учун	2м2	5500	5000
87	Миллий таом тайёрлаб сотувчилардан	1 ўринга / бир кунга	8000	7000
88	Чархчилик хизмати, пойафзал таъмирлаш хизмати курсатганлар учун	Битта ўрнига	3500	3000

№	Бир марталик йиғим олинадиган объектлар	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
89	Маҳсулотларни бозорлардан сотиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб бериш учун;			
	а) 100 минг сўмликкача бўлса		10000	10000
	б) 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача		15000	15000
	в) 500 минг сўмдан ортиги учун ҳар 500 минг сўм учун		24000	24000

**ЭСЛАТМА:**

1. Савдо жойи учун ижара ҳаққи ҳар ойнинг 15 санасига қадар тўланади.
2. Бозорда 5 кг гача бўлган тез бузиладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан йиғим олинмайди.
3. Ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчиси Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларидан, шахсий нафақа олувчилардан тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлганда бир марталик патта йиғими олинмайди.
4. Ўзбекистон қахрамонлари, қахрамон оналар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар шахсий автомашиналарини сотганларида тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилганда бир марталик патта йиғими олинмайди.
5. Республика ҳудудида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан бир қаторда импорт товарлари сотилса, жой ҳақи импорт товарларга белгиланган миқдорларда ундирилади.
6. Юқорида номи чиқмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бир марталик йиғим олишда ҳар бир копи ёки идиши учун шу маҳсулот бир кг.нинг бозордаги ўша кунги нархи миқдорида ҳақ олинади.
7. Бозорлар ҳудудида шахсий тарозидан фойдаланиш таъқиқланади.
8. Транспорт воситалари фақат белгиланган жойда туради.

**Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб  
олинадиган ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг  
микдорлари**

(сўм ҳисобида)

№	Пуллик хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	Тўлов микдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
<b>2. Пуллик хизмат.</b>				
1	<b>Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови</b>			
	Ноозик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	22000	12500
	Озик-овқат маҳсулотлари сотиш	1 кв.м/ойига	19000	11500
	Умумий овқатланиш	1 кв.м/ойига	21000	12000
	Маиший хизмат кўрсатиш	1 кв.м/ойига	9500	7000
	Бошқа турлар (Омбор, офис, дорихона, пайнет ва х.к)	1 кв.м/ойига	10000	8000
2	Тарозидан фойдаланганлиги учун (тош, тарози, палла)	1 кунга	3000	3000
	катта тарози 150 кг гача	1 кунга	2500	2000
	150 кгдан 1500 кг гача	1 кунга	10000	9000
3	маҳсулотларни ёпиш учун бризент берилса	битта бризент	3000	3000
4	Юк ташиш аравачаси (бир кунга)	битта аравача	6000	5500
5	Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонларидан фойдаланганлиги учун (1 м.кв)	1 кунга	2000	1500
6	Товар тарозисида маҳсулотларни тортиб берилса	ҳар бир тортишга	2500	2000
7	Савдо инвентарлари берилса (паднос, сават, пичок, табуретка, варонка ва бошқа) ҳар бири учун	бир кунга	2000	1500
8	Махсус уст бошдан фойдаланганлиги учун (ҳар бир кунга)	1 кунга		
	Халатдан, куртқадан	ҳар биттаси учун	1500	1500
	Этакдан, энгичадан	ҳар биттаси учун	1000	1000
9	Бозорлар ва савдо комплексларида маҳсулотларни сақлаш учун			
	совуткичларда (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	3500	3500
	омборхоналарда, сақлаш камераларида (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун)	1 кунга	2500	2500
	Бозор ҳудудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни ҳисобидан)	1 кунга	2000	2000
10	Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун)	1 кунга	2000	1500
11	Реклама учун радиоузелдан фойдаланиш	3 мартаба такрор	1500	1500
12	Карвонсаройдан фойдаланганлиги учун			
	майда шохли хайвонлар учун	бир бошига	1500	1500
	йирик шохли хайвонлар учун	бир бошига	2000	2000
	автомашиналар учун бир кунга	бир жойга	2000	2000
	юкли автомашиналар тунда юки билан қолгани учун	ҳар бир машинага	3000	3000
	маҳсулот сақлаш учун ўрнатилган сандиклар учун (ҳар бирига)	бир қунига	3000	3000
13	Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:	ҳар бир соатига		
	енгил автомашиналар учун	1 соатга	1500	1000
	юк автомашиналар учун	1 соатга	2000	1500

№	Пуллик хизмат кўрсатиш турлари	Ўлчов бирлиги	Тўлов миқдори	
			Шаҳарларда	Туманларда
	велосипедлар сақлаш учун	1 соатга	1000	1000
14	Хожатхонага кириш киши бошига	бир кишига	1000	1000
15	Мехмонхонада, карвонсаройда тунаб қолиш учун	бир кишига	7000	6000
16	Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлақлар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)*	1 кв.м/ойига	9500	6500

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари худудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан бино ва иншоотлар мулкдорлари ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади. Бунда маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари учун бино ва иншоотлар мулкдорлари томонидан мазкур турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотларга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди .

#### Изоҳ:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.
2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.
3. Белгиланган ижара тўловлари Дехқон бозорлари ва савдо комплекслардан тасдиқланган иш кунига ҳисобланади белгиланган тўлов миқдорлари иш кунлари ҳисоби бўйича ундирилади.
4. Бозорлар ва савдо комплекслари муҳум қурилган бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун 1-қаватдан белгиланган патта ставкасини 100 фоиз, 2-қаватдан 50 фоиз, 3-қаватдан 30 фоиз ва ертула қисмидан 70 фоиз тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади .